



# FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Эватов Саминжон Собирович

Фарғона давлат университети Педагогика кафедраси ўқитувчиси

ОИЛА ВА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИ АСОСИДА ЎСМИР ЁШИДАГИ  
ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

**Анататция:** Мақолада оила ва мактаб ҳамкорлиги асосида ўсмир ёшидаги ўқувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи ижтимоий-сиёсий, миллий-маънавий, психологик-педагогик омилларнинг ўзаро алоқадорлигини аниқлаш, оила ва мактаб ҳамкорлиги асосида ўсмир ёшидаги ўқувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг назарий асослари очиб берилган.

**Калит сўзлар:** оила, мактаб, таълим, ҳамкорлик, ўсмир, ўқувчи, коммуникативлик, компетентлик, методика, модель.

Бугунги кунда кадрлар тайёрлаш тизимида коммуникатив билим ва кўнижмаларни ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш ва бу борадаги таълимий ислоҳотларни жадаллаштиришга доир кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Жамиятимизнинг барча соҳаларида ўтказилаётган ислоҳотлар узлуксиз таълим тизимига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Умумтаълим мактаблари олдига янги мақсад ва вазифалар кўйилмоқда. Барча ўзгаришларнинг мақсад ва моҳияти марказида ривожланаётган ўқувчи шахси – унинг мақсади ва ўзини англаши, шахс бўлиб етишиши, коммуникативлик кўнижмаларига эга бўлиши каби масалалар туради. Ўзбекистонда ёш авлодни коммуникативлик компететлик асосида тарбиялаш давлат сиёсати даражасидаги масалага айланиши бежиз эмас. Чунки коммуникативлик ёшларнинг эркинлиги таъминланган жамиятда ривожланади, фикрнинг эркинлиги эса жамиятнинг кучли бўлиши гаровидир.

Коммуникатив компетенция — мураккаб коммуникатив қўникма ва фаолият тури бўлиб, янги ижтимоий қўникмалар, мулоқот нормалари ва чекловлар, билим, урфодатлар, этикет, одоб-ахлоқ, таълимга хос ориентациялар ҳисобланади. Тадқиқотчи олим Н.Амиров фикрича, «бугунги кунда биз коммуникатив компетентлик деб атайдиган самарали мулоқот қилиши қобилияти ҳар доим кўплаб олимларни қизиқтирган. Социология, ижтимоий психология, педагогика каби фанлар ва бошқа замонавий билим соҳаларида шахслараро ўзаро муносабатларни, шахснинг коммуникатив ҳатти-харакатларини ўрганишга эътибор қаратилган»[1]. Демак, коммуникатив компетенция — бу мулоқот қобилиялари, билим, қўникма ва қўникмаларга оид ижтимоий тажрибани ўз ичига олган шахснинг умумий коммуникатив хусусиятидир.

Коммуникатив компетенция асосини қўйидагилар ташкил қиласди:

- мулоқотни ташкил қилиш — шахслараро мулоқот қўникмаси;
- мулоқотни, контактни сақлаш, тескари алоқани ўрнатиш;
- мулоқот натижаларини анализ қилиш[2].

Мулоқот қобилияти қўйидагилардан иборат:

- мулоқот қилиш керак бўлган коммуникатив вазиятнинг ижтимоий-психологик прогнозини бериш;
- мулоқот жараёнини ижтимоий-психологик жиҳатдан дастурлаш, коммуникатив вазиятнинг ўзига хослигига асосланган;
- коммуникатив вазиятда алоқа жараёнларини ижтимоий-психологик бошқаришни амалга ошириш.

Коммуникатив компетентлик тушунчаси билан яқин алоқадор бўлган – шахснинг коммуникатив ядроси тушунчаси мавжуд. «Коммуникатив ядро» тушунчаси яқинда пайдо бўлган ва илмий тадқиқот ишларида замонавий психолог А.А.Бодалев томонидан биринчи марта қўлланилди. Шахснинг коммуникатив ядроси психологик ҳодиса сифатида кўриб чиқилиши ҳар бир инсонда мулоқотни янада муваффақиятли амалга оширишга имкон берувчи асос мавжуд. Бундай асос ҳар қандай катта ёшли инсонларда, болалар шахсида ҳам мавжуд бўлиб, коммуникатив ядросига шахсий хусусият ва сифатлар кириши мумкин. Айнан улар охир-оқибат, мулоқот методи ва йўналиши бошқа томондан, ўқитувчининг қасбий коммуникатив компетентлигининг паст даражаси унга профессионал сифатида ўзини ўзи амалга оширишга имкон бермайди, оқибатда умуман, ҳаётдан қониқмасликни туғдириши мумкин[3]. Демак, ўсмир ёшдаги ўқувчиларда мулоқотни муваффақиятли амалга оширишга имкон берувчи мулоқот методлари ва йўналишларини тўғри танлай билшлари талаб этилади.

Коммуникатив компетентликка асосланган билим, қўникма ва малакаларни шакллантириш ўқувчиларни ҳақиқий ишлаб чиқариш меҳнатига жалб қилиш, ушбу жараённи қасбий таълим билан узвий ҳолда олиб бориш, малака орттириш орқали эришилади. Шу туфайли ўқувчиларнинг мулоқотчанлик асосида ишлашини ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор бермоқ лозим. Чунки, умумтаълим мактабларида таълим олиш жараёнида ўқувчилар ўз меҳнат харакатларини ўқув топшириклари асосида мунтазам такрорлай олади; эгаллаган ҳаётий одоб-ахлоқ қоидалари, меҳнатсеварликка оид асосий тушунчаларга риоя эта олади, касблар оламини билади,

касб-хунарларга оид маълумотларни тўплайди ва тавсифлай олади, уларнинг фаолияти келажақдаги касб мартабасига боғлиқ касб майдонини билишга қаратилган. Бу ҳолатда касб танлаш ҳақиқий ҳаракат сабаби бўлган ҳолда, ўқувчиларнинг ўқув фаоллигини ўзгартиради, ўқувчилар келгуси касб йўналишига қараб ўз билим, кўникма ва малакаларига баҳо беришади.

5-8-синфларда ўқувчиларнинг коммуникатив компетентлиги ўзаро толерант муносабатлар асосида ривожланиб боради. Дарс жараёнига ноанъанавий топшириқларнинг киритилиши ўқувчилардан чукур ва кенг фикрлашни, таққослаш ва исбот қилиш, билимларни янги ҳолатга кўчиришни татбиқ этиш усусларидан фойдаланишни талаб этади. Ўқувчилар мустақил равишда таҳлил қилишлари, умумий маълумотлар оқимиidan кераклисini танлаб олишлари, мустақил равишда лойиҳани расмийлаштиришлари мумкин. Ўқувчиларда коммуникатив компетентликни ривожлантириш муаммосини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш, унга боғлиқ бўлган объектив ва субъектив омилларни аниқлаш, ўқувчиларда коммуникатив компетентликни ривожлантиришга қаратилган кузатишларимиз натижасида қуидаги хулосаларга келдик:

Биринчидан, ўсмир ёшдаги ўқувчиларда коммуникатив компетентликни ривожлантиришга эҳтиёжни, қизиқишини ва имкониятларни аниқ ҳисобга олинишни;

Иккинчидан, мулоқотчанлик қўнималарини ривожлантириш шакллари, методлари ва йўналишларини тўғри танланиши. Бу ўз навбатида, ўқувчининг турли шароитларда юзага келувчи вазиятларни тўғри баҳолай олишини, муносабатга кириша олиши ва таълим жараёнида фаол, онгли иштирок этишини таъминлайди. Таълим жараёнидаги лаёқатли ёндашиш базавий компетенциялар билан уйғулашади, яъни таълим маҳсулни ва самарадорлиги шаклланади. Таълимнинг модулли жараёни таълим олувчилар учун якка тартиbdаги таълим йўналишини шакллантиради ва тўлиғича коммуникативликка йўналтирилувчи жараённи ҳосил қиласди. Ушбу ҳолатда ўзгариш – нафақат билимнинг меъёри, чуқурлиги, билим олиш методи, лаёқат шакли ўзгарилиши, балки уларнинг мулоқотчанликка иштиёқи кучаяди.

Психологик адабиётларда ўсмир ёши 5-8-синфларга тўғри келиши қад этилган. «Ўсмирлик даври чегаралари тахминан 11-12 ёшдан 14-15 ёшгача бўлган даврни қамраб олади, лекин ўсмирлик ёшига ўтиш 5-синфга ўтиш билан мос тушмаслиги ва бир йил олдин ёки кейин содир бўлиши мумкин. Ўсмирлик даврининг алоҳида вазияти унинг номларида ифодаланади: «ўтиш», «кескин ўзгарувчан», «мушкул», «танқидий». Уларда бу ёшда содир бўладиган ривожланиш жараёнларининг мураккаб ва муҳимлиги қайд этилган. Бу ҳаётнинг бир давридан бошқасига ўтиш билан боғлиқ. Инсон ривожланишининг барча йўналишлари бўйича (жисмоний, ақлий, рухий, ахлоқий, ижтимоий) катта сифат ва микдорий ўзгаришлар рўй беради»[4]. Бу даврдаги психологик ўзгаришлар ва ижтимоий муносабатлар ҳам кенгайиб боради. Шу билан бирга ўсмир ёшларда ақлий салоҳияти ва ахлоқий муносабатларида шахсий позициялари ҳам шаклланиб боради. Ўсмир ёшларнинг бу даврдаги рухий ва жисмоний ўзгаришлари жараённида коммуникативлик қўнкималарига тайёрлаш ва таъсир ўтказиш самара беради. Уларда ижтимоий муносабатлардаги фаоллик, мулоқотга киришувчанлик ҳамда бағрикенг ва толерант мулоқот маданияти шаклланади.

Коммуникатив қобилиятлар таркиби:

- мuloқot ўрнатыладиган коммуникатив вазиятнинг ижтимоий-психологик прогнозини бериш қобилияти;
- коммуникатив вазиятнинг ўзига хослигига асосланган мuloқot жараёнини ижтимоий-психологик дастурлаш;
- коммуникатив вазиятда мuloқot жараёнларини ижтимоий психологик бошқаришни амалга ошириш.

Шу билан бирга ўсмир ёшларда ўзини англаш жараёнини түғри йўналтирилганлиги, ўз “мен”ини англашга қаратылган таълим сифатининг юқорилиги ўзидағи индивидуал ҳислатлар ва сифатларни фарқлаб бориш имкониятини яратади. Ўсмир шахси ривожланишнинг муҳим омили – унинг шахсий фаоллиги – шахсият, ўзини эътироф этиш ва аниқлаш жараёни фаол кечади – бироқ бу жараён бир текис эмас. Бир томондан ўсмирларда «катталик» намоён бўла бошлайди, бошқа томондан эса ҳали «болалик» қолади. Ўсмирларнинг ривожланишининг умумий йўналишлари турлича бўлиши ва ҳар бир йўналиш кўплаб варианtlарга эга бўлиши мумкин. Бу масала муҳим педагогик аҳамиятга эга. Бу эса уларда ўзини катталардек тутиш, ўзидан кичиклардан узоқлашиб катталар билан мuloқot қилиш, уларни эшлиши ва уларни даврасида бўлиш истакларини юзага келтиради. Шу билан бирга уларнинг шахсиятидаги ва жинсий ўзгаришлари ҳам уларнинг хулқ-авторига, коммуникатив кўнилмалрига таъсир кўрсатади. Бу даврда ўсирларни руҳий барқарорлиги ва мувозанатини бузиб қўймаслик керак бўлади. «Ўсмирлик ёшида муҳим ўзгаришлар рўй беради, улар организмнинг жисмоний ўсиш ва биологик вояга етиши билан боғлиқдир. Организм ўсишидаги сакрашлар, эндокрин тизимдаги ўзгаришлар, гипофиз фаолиятидаги фаоллик, жинсий вояга етиш, юрак, мушак, бутун организмнинг мустаҳкамланиши инсоннинг психик, ақлий ва руҳий ўсишида муҳим ўзгаришларга олиб келади. Шунга қарамай, ўсмирлик давридаги «танглик»ни тушуниришдаги назарий фикрлар тараққиёти шундай умумлашмани юзага келтирадики, унга кўра, ўсмирлик даврининг намоён бўлиши ва ўтиши ҳаётдаги ижтимоий шарт-шароитлар, ўсмирнинг ривожланиши, унинг катталар оламидаги мавқеига боғлиқ»[5]. Демак, ўсмирнинг ривожланиш давридаги шарт-шароитлар, ижтимоий мухит ва унга таъсир кўрсатучи омиллар бунга таъсир кўрсатади.

Ёшларнинг коммуникатив компетентлиги ҳаёт синвларида, ижтимоий муносабатларда ва жамиятдаги бекарорлик ҳолатида фойда келтиради. Чунки ижтимоий муаммолар жамиятнинг маърифати ва коммуникатив онги ҳамда ижтимоий мuloқотчанлиги асосида бартараф этилади. У жамият учун ё сермаҳсул, ё шахснинг пассивлигига олиб борувчи чекланган, барқарор бўлмаган, мустақилликка ёд бўлиши мумкин. «Тенгдош болаларнинг принципиал тенглик ҳолати мазкур муносабатлар мухитига нисбатан ўсмирда алоҳида қизиқиш уйғотади, бу ҳол ўсмирда юзага келадиган шахсий катталик ҳиссининг этик мазмунига мос келади. Ўсмирда катталарга нисбатан тенгдошларига кўпроқ тушунарлироқ ва яқинроқ бўлган қадриятлар шаклланади. Катталар билан мuloқot тенгдошлар билан мuloқотнинг ўрнини боса олмайди. Ўсмир учун тенгдошлар билан мuloқot у мустақил ҳаракат қилган ўзининг шахсий муносабатлари мухитига ажралади. У бунга ҳакким бор, деб ўйлади, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қиласди ва айнан шунинг учун ҳам катталарнинг ўринсиз, кўпол аралашуви хафагарчилик ва норозиликка олиб келади. Ўсмирда бир томондан тенгдошлар билан мuloқot қилиш ва ҳамкорликдаги

фаолиятга интилиш яққол намоён бўлади. Жамоа ҳаёти билан яшаш, яқин ўртоқлар, дўстга эга бўлиш хоҳиши – дўстлар томонидан қабул қилинган, тан олинган, хурмат қилинган бўлишдек кучли хоҳишdir. Бу муҳим талабга айланиб боради. Ўсмир учун энг ёқимсиз вазият – жамоа ва ўртоқларининг норозилиги, мулоқот қилишни истамаслик, энг оғир жазо эса – очиқ ёки ноошкор алоқа узиш, гаплашмаслиқdir.

Хулоса қилганда, бугунги глобаллашган оламда ўсмир ёшларнинг коммуникатив компетентлиги уларнинг дунёқараши, тафаккур тарзи ва умуман олганда, онги ҳолатига бевосита боғлик. Ёшлар онгининг бекарор ва зиддиятли характеристи уларнинг ҳулқи ва фаолиятига, мулоқотчанлиги ва ижтимоий алоқаларига албатта, таъсир этади. Биринчидан, ҳозирги кунда ўсмир ёшларнинг ижтимоийлашуви жараёни анча мураккаблашди, шунинг учун ҳам уларнинг ижтимоий балофатга етиш омиллари анча ўзгарган. Мазкур омиллар нафақат ўсмир ёшларнинг мустақил меҳнат қилишлари, балки таълим олишларини туттиш, касбга эга бўлиш, катталардан моддий жиҳатдан бутунлай мустақил бўлиш кабилар билан тавсифланади. Иккинчидан, ўсмир ёшларни улғайишига ва балофат ёшига таъсир кўрсатувчи омиллар таъсир кўрсатади. Мазкур ижтимоий механизmlарнинг ҳар бири ёшлар тарбиясида турли хил вазифаларни бажаради ва ўзгача таъсир этади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

1. Амиров Н.И. Таълим жараёнида талabalар коммуникатив компетентлигини шакллантириш. Замонавий таълим. 2020. 3.(88). –Б. 26.
2. Закинов Э. Ю. Коммуникативность как базис человеческого общения // Педагогические образование и наука. — № 6. — Москва, 2014. — 82 б.
3. Примов Ш.Қ. Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Тошкент.: ТДПУ.2020. –Б. 10.
4. <http://elib.buxdu.uz/index.php/pages/item/12519-2021-06-02-11-23-40> (Ўсмирларнинг психологик хусусиятлари)
5. <http://elib.buxdu.uz/index.php/pages/item/12519-2021-06-02-11-23-40> (Ўсмирларнинг психологик хусусиятлари)
6. Bakhromovich SI. The impact of managerial professional development on the effectiveness of Higher Education institution management. Academicia: an international multidisciplinary research journal. 2020;10(12):1014-20.
7. Siddikov, I. B. (2019). Философско-педагогические аспекты развития интеллектуальной культуры студентов. Вестник Ошского государственного университета, (3), 38-42.
8. Bakhromovich, S. I. Development trends and transformation processes in academic mobility in higher education in Uzbekistan and the world.
9. Bakhromovich, S. I. (2021). A comparative induction of the epistemological and theological views of medieval Islamic oriental scholars. Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities, 1(1.7 Philosophical sciences).
10. Bakhromovich, S. I. (2021). Views on the role of science in human and society life in islamic teaching. International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences, 1(3), 79-86.

11. Bakhromovich, S. I. (2020). Effects of Objective and Subjective Factors to Develop Intellectual Culture of Youth. Canadian Social Science, 16 (2), 55-59 p.
12. Bakhromovich, S. I. (2018). Social and philisophical performance of making youth's intellectual culture. European science review, (7-8).
13. Bakhromovich, S. I. (2020). Analysis Of Modern Approaches To Ensuring The Effectiveness Of Management In Higher Education Institutions. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 364-369.
14. Bakhromovich, S. I. (2021). Philosophical comparative studies of the epistemological and theological views of medieval eastern scholars. Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation. Turkey, 2021. №32 (3), (Scopus) – P. 30338-30355
15. Bakhromovich, S. I. (2022).Dialectical and synergetic features of the development of theological and epistemological views in medieval eastern islam. European Journal of Humanities and Educational Advancements (EJHEA), - Las Palmas, Spain, Volume 3, Issue 2 February, 2022. – P. 79-83